

"МУНОЗАРА" ҲАМДА "ЗАИФ БЎҒИН" ИНТЕРАКТИВ ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИНИ БИРЛАШТИРГАН ҲОЛДА ДАРС ЎТИШ САМАРАДОРЛИГИ

Жалолова В.З., Рахматова М.Р., Мустафаева Ш.А., Кlicheва Ф.К.,

Бухоро давлат тиббиёт институти.

✓ *Резюме,*

Мақолада тиббиёт олий ўқув юртлири клиник фармакология фани амалий машғулотларини ўтишда "заиф бўғин" ва "мунозара" таълим усулларини бирлаштирган ҳолда дарс ўтишининг самарадорлиги ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: амалий машғулот, клиник фармакология, интерактив таълим методлари, самарадорлик.

ПРЕИМУЩЕСТВО ПРИМЕНЕНИЯ ИНТЕРАКТИВНЫХ ОБУЧАЮЩИХ МЕТОДОВ "СЛАБОЕ ЗВЕНО" И "ДЕБАТЫ" В ПРОВЕДЕНИЕ ПРАКТИЧЕСКИХ ЗАНЯТИЙ

Жалолова В.З., Рахматова М.Р., Мустафаева Ш.А., Кlicheва Ф.К.,

Бухарский государственный медицинский институт.

✓ *Резюме,*

В статье рассматривается преимущество применения интерактивных обучающих методов как "слабое звено" и "дебаты" в проведение практических занятий по предмету клиническая фармакология в медицинских ВУЗах.

Ключевые слова: практическое занятие, интерактивные обучающие методы, преимущество.

APPLICATION OF INTERACTIVE TRAINING METHODS AS "A WEAK LINK" AND "DIBATS" IN CARRYING OUT OF A PRACTICAL TRAINING

Jalolova V.Z., Rakhmatova M.R., Mustafayeva Sh.A., Klicheva F.K.,

Bukhara State Medical Institute.

✓ *Resume,*

In article advantage of application of interactive training methods as "a weak link" and "dibats" in carrying out of a practical training in a subject clinical pharmacology in medical high schools is considered.

Key words: Practical employment, interactive training methods, advantage.

Мавзунинг долзарблиги

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий вазибаларидан бири мустақил фикрлайдиган ёшларни тайёрлашдир. Ушбу вазибаларни бажаришда ёш мутахассис кадрларга билим беришнинг самарасини оширувчи янги, замонавий педагогик услубларни қўллаш катта аҳамиятга эгадир.

Мавзунинг мақсади: Замонавий интерактив таълим услублар қўлланилганда талабалар ўқитиш жараёнида фаол иштирок этадилар, билим олишнинг охириги ютуқларини ўрганиш йўли билан ўз устларида мустақил таёрланиш даражаларини оширади. Ўқитиш жараёнини янада ривожлантиришнинг яна бир омили амалий машғулотларда интерактив таълим методларидан фойдаланиб дарс ўтишдир. Бунда талабалар орттирган билим ва кўникмаларини муайян клиник ҳолатларда қўллай олишига, мавзунини яхшироқ ўзлаштиришларига эришилади.

Материал ва услублар

Биз Бухоро давлат тиббиёт институти "ИКП ва клиник фармакология" кафедрасида клиник фармакология фани ўқув машғулотларини ўтказишда интерактив ўқитиш услубларидан "заиф бўғин" ва "мунозара" методларини бирлаштирган ҳолда дарс ўтишни афзал деб топдик. Бунда "мунозара" усулида мавзу тўлиқ очиб берилса, "заиф бўғин" усулида мавзу бўйича

олинган билимлар мустаҳкамланади. "Мунозара" услуби ҳажм жиҳатдан катта ва мураккаб назарий маълумотларни ўзига мужассамлаштирган мавзуларни кенг қиррали ёритишда тавсия қилинади. Мунозарада қатнашиш педагогик нуқтаи назардан умумий билимларга қиради, яъни уларни илмий билимнинг маълум бир бўлагига киритиб бўлмайди, лекин асосий фикрни кўрсата олиш, далилларни солиштириш, хулоса қилиш, яъни айнан мунозаранинг натижаларини кўрсата олиш билим олишга қиради. Шунинг учун ушбу услуб турли машғулотлар ва йўналишлар, айниқса тиббий-биологик ҳамда клиник ҳолатларда самарали бўлиб ҳисобланса, муайян шошилиш ҳолатда тезкор жавоб талаб қилувчи "заиф бўғин" усули эса талабаларда шошилиш ҳолатларда тез ва аниқ жавоб бериш қобилиятларини оширади. Дарс жараёнида ушбу усулларни бир вақтда кетма-кет қўллаш олинган билимни янада мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Мунозар усулини ўтказиш бўйича услубий кўрсатмалар:

1. Талабалар мунозара ўтказилиши тўғрисида олдиндан огоҳлантирилади. Мавзу номи берилди.

2. Бир нечта маърузачилар мавзунинг асосий қисмлари бўйича маъруза қиладилар, вақт 10 минутдан ошмаслиги керак.

3. Оппонентлар танланади. Улар ҳам ушбу қисмлар бўйича баробар тайёргарлик кўрадилар ва қўшимчалар, танқидий фикрлар билдирадилар.

4. Барча талабалар маърузачи ва оппонентларга саволлар тайёрлайдилар.

Мунозарада қуйидаги қоидаларга риоя қилиш зарур:

1. Мунозара муаммони ҳал қилишга йўналтирилган бўлиши;
2. Регламентга риоя қилиниши;
3. Фақат мавзу бўйича гапирилиши;
4. Оппонент фикрини охиригача эшитиш ва уни тўғри тушуниш;
5. Мавзу бўйича зиддият чиқишига йўл қўймаслик.

Усулни ўтказиш босқичлари:

1. Муҳокамани бошлаш - мунозар мавзусини белгилаш, керакли саволларни бериш.
2. Мавзуни ёритиб, муҳим жойларни кўрсатиш.
3. Аниқ вазифаларни қўйиш.
4. Муҳоқамада ўтказилганда мақсадга олиб келувчи асосий йўналишдан четланмаслик.

Яъни мунозара таклиф қилади:

- "яхши" ва "ёмон" баҳодан аниқ фикрлар билдиришга ўтиш;
- қатнашчилар орасида зиддият келиб чиқишига йўл қўймаслик.

5. Муҳоқамага яқун ясашда қуйидагиларга аҳамият бериш:

- мунозара босқичлари ва натижаларини таҳлил қилиш;

- талабалар фикрини ва бошқа муаммоларни кўриб чиқишда мунозара услубининг аҳамиятини муҳоқама қилиш;

- мунозарада айтилган энг янги фикрларни алоҳида таъкидлаш;

Асосийси, мунозара натижасида талаба мавзу бўйича тўлиқ, аниқ маълумот олиши керак.

"Заиф бўгин" усулини ўтказиш қоидалари

Усулни ўтказиш учун керакли анжомлар: секундомер, гуруҳ рўйхати (ўйин баённомасини тузиш учун), ўтилатган мавзу бўйича саволлар тўплами.

Усулни ўтказиш тартиби:

1. Ҳаққини ўқитувчи ва талабалардан бир ёрдамчи ҳисобчи ўтказилади.

2. Ҳисобчи варақада талабалар рўйхати, гуруҳ номери, ишчи ўйин номи, ўйин ўтказилган санани ёзади.

3. Ҳаққини саволлар тўпланидан талабаларга савол беради.

4. Берилган саволга талаба 5 секунд давомида жавоб бериш керак.

5. Ҳаққини "тўғри" ёки "нотўғри" деб жавобни баҳолайди, ўзи тўғри жавобни айтади.

6. Ҳисобчи талаба рўйхатида жавобнинг тўғрилигига қараб + ёки - белгилайди.

7. Шу ҳолда талабалар икки турини ўтказилади.

8. 2 турдан кейин ўйин тўхтатилади, 2 та минус олган талаба ўйиндан чиқади.

9. Қолган талабалар билан янги турини давом эттирилади.

10. Турлардан тўғри жавоб бериб ўтган талабалар кейинги тур давом эттирилади.

11. Ҳисобчи варақада нотўғри жавоб берган талаба қайси турдан чиқиб кетганини белгиб боради.

Талабалар билимини баҳолашда ўқитувчи қуйидагиларни инобатга олиши зарур:

- 1) "Мунозара" ишчи ўйини бўйича - мунозара тўғри режалаштирилди ва ўтказилди?

- 2) Ушбу мавзуга доир ҳамма керакли маълумотлар айтилди?

- 3) Мунозара натижасига қўшимча маълумотлар қандай таъсир кўрсатди?

- 4) Саволларни очиб беришда ким кўп қатнашди ва керакли фикр билдирди?

- 5) Ким саволларни тушунмади?

- 6) Қатнашчиларда мунозардан қониқиш ҳосил бўлди?

- 7) "Заиф бўгин" ишчи ўйини бўйича максимал 100 фоиз ҳисобида баҳоланади.

- 2-турдан чиқиб кетган талаба 30 фоиз;

- 3-турдан чиқиб кетган талаба 56 фоиз;

- 4-турдан чиқиб кетган талаба 63 фоиз;

- 5-турдан чиқиб кетган талаба 70 фоиз;

- 6-турдан чиқиб кетган талаба 75 фоиз;

- 7-турдан чиқиб кетган талаба 80 фоиз;

- 8-турдан чиқиб кетган талаба 85 фоиз;

- 9-турдан чиқиб кетган талаба 90 фоиз;

- 10-турдан чиқиб кетган талаба 95 фоиз;

Қолган кучли ўйинчи 100 фоизгача балл олади.

- 8) Қўйилган баллар машғулот учун бериладиган яқуний баҳолашда назарий қисм бали бўлиб ҳисобланади.

- 9) Ҳаққини журналнинг пастки бўш қисмида ишчи ўйин ўтказилганини белгилайди.

- 10) "Мунозара" ва "Заиф бўгин" ишчи ўйинлари бўйича тўпланган баллар умумлаштирилиб, ўртача балл қўйилади.

Дарс охирида гуруҳ журналининг пастки бўш қисмида ишчи ўйин ўтказилгани белгиланади.

Натижалар ва таҳлил

"Мунозара" усулида талабаларнинг мунозара қилиш, "Заиф бўгин" услубида эса муаян ҳолатда саволга тез жавоб бериш маҳоратлари ошди.

"Мунозара" усулида мавзу тўлиқ очиб берилганлиги сабаб, "Заиф бўгин" услубида олинган билимлар мустаҳкамланди. Ҳар бир талабанинг таёрланиш даражасига баҳо берилди. Ҳаққини услубида ўтказилганлиги боис талабаларда қизиқиш ортди.

Хулоса

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки ушбу услубларнинг амалий машғулоти ўқишда қўлланилиши, талабаларни ўқитиш жараёнига жалб этиш даражасини ортиради, талабаларнинг бир-биридан ўрганишлари учун шароит яратилади, фан бўйича олган билимларини амалда текшириш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мавлянов И.Р ва ҳаммуалифлар "Клиник фармакология кафедраси машғулотларини ўтказишда интерактив ўқитиш услубларининг қўлланилиши". Тошкент 2005; 4-14.
2. Коротеев А.П. Пренатальная диагностика наследственных врожденных болезней; Под ред. Э.К. Айламазяна, В.С. Баранова. - М., 2006; Гл. IX: 201-216.
3. Использование инновационных технологий в процессе преподавания педагогических дисциплин (электронный ресурс) <http://ntfmfonfz.ru>
4. Слостенин В., Исаев И и др. Педагогика: Учебное пособие (электронный ресурс) <http://www.gumer.info>
5. Исакулов В.Т., Тўлаганова Д.В. "Махсус фанларни ўқитишда илгор педагогик технологияларни индивидуал ёндашув асосида қўллашнинг самарадорлиги". Фан таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияловчи шароитида инновацион технологияларнинг долзарб муаммолари Республика илмий-амалий конференцияси I-қисм Илмий мақолалар тўплами 2018; 220-221 бетлар.

Келиб тушган вақт 09.02. 2020